



Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаевни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қўламли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларни аниқ мазмун билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев давлатимиз раҳбарига Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик юксак даражага чиққани ва сермахсул тус олганини, шу жумладан, парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар даражасидаги мулоқот ва алмашувлар анча фаоллашганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият юритмоқда. Ўзбекистон — Қирғизистон тараққиёт фонди ишга туширилди. Товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажмлари ортмоқда, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Қўшма маданий-гуманитар тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Фаол сиёсий мулоқотни давом эттириш ҳамда устувор дастур ва лойиҳаларни, шу жумладан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини жадаллаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Президенти Миср етакчисини сайловдаги ишончли ғалабаси билан табриклади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан телефон орқали мулоқотда уни Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.

Сайловчиларнинг фаол иштироки ва овоз бериш натижалари дўст Миср халқи амалдаги давлат раҳбарининг сиёсати ва ислохотлар дастурини кенг қўллаб-қувватлаётганидан далолат экани қайд этилди.

Ўзбекистон — Миср кенг қўламли шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил февраль ойида Қоҳирага олий даражали ташриф давомида эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот ва алмашувлар фаол давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Узаро савдо ҳажми ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги, геология, сув таъминоти, транспорт, логистика, кимё sanoати ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари бошланди.

Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишларини ўтказиш келишиб олинди.

Халқаро кун тартибидоги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон – қатар: ўзаро муносабатларда янги давр бошланмоқда

Қатар аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёдаги етакчи давлат. Расмий Доҳа табиий газ захиралари борасида дунёда учинчи ўринни эгалласа, нефть ва нефть маҳсулотларининг асосий экспортчиларидан биридир.

Бугун мамлакат миллий даромад манбаларини диверсификация қилишга, ресурслар, инвестициялардан оқилона фойдаланиш сиёсатини юритишга, рақобатбардор иқтисодиёт қуришга эътибор қаратмоқда.

Қатар Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилда тан олган. Икки давлат

ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма баённома 1997 йил ноябрь ойида имзоланган. Сўнгги йилларда ўзаро муносабатлар сезиларли ривожланиб, янги босқичга чиқмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ЭКСПОРТ

Океан орти бозорлари фарғона узумларини кутмоқда

Олтириқ туманида етиштирилган узумлар АҚШ бозорларига ҳам кириб борди. Тумандаги “Sherakhun” хусусий корхонаси томонидан жорий йил ноябрь ойи бошларида синов тариқасида АҚШга юборилган 1 тонна узум Нью-Йоркдаги “NetCost” озиқ-овқат савдо тармоғи дўконларига тарқатилди ва икки куннинг ичида сотилиб кетди.

▶ Давоми 2-бетда



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Ҳилола УМАРОВА:

“Ўқувчиларимиз интеллектуал салоҳиятда ҳеч бир мамлакат ёшларидан қолишмайди!”

Янги Ўзбекистонда бугун ёш авлод камолоти, уларнинг истиқболли келажаги йўлида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” деган эзгу ғоя бугун ҳар бир ўқитувчи-муаллим, ота-она ва жамият ҳаётида ўз исботини топмоқда.

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея ном берилган 2023 йил ҳам поёнига етмоқда. Албатта, Янги йил арафасида ҳар ким ортда қолаётган давр сарҳисобини қилишга чоғланиши табиий. Зотан, йил аввалида белгиланган вазифалар ижросининг рўёби янги мақсад ва марраларни бажаришга куч бергани ҳолда, айрим дуч келган муаммолар янгича ёндашувларни режалашни тақозо қилади. Шунга кўра, биз Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола УМАРОВА билан узлуksиз таълимнинг энг масъулиятли ва мураккаб, шу билан бирга, қамрови кенг бўлиши бўлган — мактабгача ва мактаб таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда келгуси вазифалар хусусида суҳбатлашдик.

▶ Давоми 3-бетда



БУГУННИНГ ГАПИ

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ МАНФААТИ — УСТУВОР лекин у қонуний бурчини ҳам бажариши шарт

Давлатнинг молиявий ресурслари ва йиллик бюджетини шакллантиришнинг асосий манбаси солиқлар ҳисобидан юзага келади. Таълим, тиббиёт, мудофаа, жамоат тартиби, давлат аппаратини таъминлаш каби устувор вазифалар йиғилган солиқлар эвазига бажарилади.

Янги таҳрирдаги Конституция-мизнинг 63-моддасига кўра, “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўққинлик қилмаслиги

керак”лиги белгиланган. 149-моддада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли экани мустаҳкамлаб қўйилган.

▶ Давоми 4-бетда

МЕҲРЛИ СИЁСАТ

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИДАН КИМЛАР, ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН?

Дунё тиббиётида илғор даволаш ва диагностика усуллари, инновацион технологиялар кенг татбиқ этилиши соҳадаги оғриқли масалаларни ҳал қилаётган бўлса-да, тиббий харажатлар қиймати қатор муаммоларни ҳам юзага келтирмоқда.

Давлат тиббий суғуртаси эса бу муаммоларнинг энг оптимал ечимларидан биридир. У нафақат аҳоли саломатлигини кафолатлайди, балки тиббиётдаги оғриқли масалалар (тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, коррупция, бюрократизм, навбатда туриш, кадрлар тақчиллиги ва бошқалар)га ҳам барҳам беради.

Жаҳон амалиётида, асосан, икки турдаги — ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртага амал қилинади. Ҳар иккисидан ҳам суғурталанувчилардан олинган бадал ҳисобига қўрсатилган тиббий ёрдам харажатлари қопланиши назарда тутилади.

▶ Давоми 5-бетда

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР:
ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Қахрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Бошланғичи 1-бетда

Ўзбекистон — Қатар ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам изчиллик касб этган. Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилиши қонун ижодкорлиги жараёнини мустақамлаш ва кенгайтиришга ёрдам беради.

Жорий йил май ойида Тошкентда Қатарнинг, декабрь ойида Доҳада Ўзбекистоннинг элчихонаси очилди. Бу, ўз навбатида, муносабатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик уфқларини кенгайтириш, халқларимиз ўртасидаги алоқаларни жадаллаштиришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Зеро, бунинг учун улкан салоҳият мавжуд.

Бугун ўзаро миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда конструктив мулоқотнинг янги шакли йўлга қўйилди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган тизимли чора-тадбирлар самараси бугун эришланиётган юксак натижаларда намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз Қатарни Яқин Шарқдаги истиқболли иқтисодий ҳамкор, деб билади. Ўзбекистон ҳам, Қатар ҳам бу борада ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳиятга эга ва жорий муносабатларни фаоллаштириш икки давлатнинг бугунги кун тартибидан ўрин олган.

Ўзбекистонда Қатар компаниялари иштирокида қатор сармоявий лойиҳалар амалга ошириляпти. Шундай лойиҳалардан бири Сирдарё вилоятида Қатарнинг "Nebras Power" компанияси томонидан Франция ва япониялик шериклар билан ҳамкорликда қуриляётган 1600 МВт. қувватга эга иссиқлик электр станциясидир. ИЭС 2024 йилда ишга туширилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз электр энергияси соҳасига Қатар капиталини жалб қилиш истиқболлари мавжуд. Бундан ташқари, саноат ишлаб чиқаришини ва инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш каби соҳаларга Қатарнинг етакчи компаниялари ва молия институтларини жалб қилиш ўзаро ҳамкорликни мустақамлайди.

Савдо-иқтисодий соҳада икки мамлакатнинг салоҳияти жуда катта. Биз Қатар бозорига тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, озиқ-овқат ва бошқа шу каби турли маҳсулотларни етказиб бериш имкониятига эгамиз. Ўз навбатида, Қатардан нефть, кимё маҳсулотларини олмақчимиз.

Кейинги йилларда туризм соҳасида ҳар икки мамлакат учун ҳам янги

Ўзбекистонда Қатар компаниялари иштирокида қатор сармоявий лойиҳалар амалга ошириляпти. Шундай лойиҳалардан бири Сирдарё вилоятида Қатарнинг "Nebras Power" компанияси томонидан Франция ва япониялик шериклар билан ҳамкорликда қуриляётган 1600 МВт. қувватга эга иссиқлик электр станциясидир. ИЭС 2024 йилда ишга туширилиши кўзда тутилган.

йўналишлар очилди. Ҳозир Доҳа ва Тошкент ўртасида муттасил авиакатновлар йўлга қўйилган. 2021 йил 1 мартдан Қатар фуқароларининг Ўзбекистонга кириши учун 10 кунлик визасиз режим жорий этилган бўлса, 2023 йил июнь ойидан бу мuddат 30 кунгача узайтирилди. Ўз навбатида, бизнинг фуқаролар учун ҳам виза чекловлари олиб ташланди. Бу туризм салоҳияти ошишига, икки мамлакат сайёҳлари оқими кўпайишига хизмат қилади.

Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг шу йил 19 декабрь кунини Ўзбекистонга амалий ташрифи, шубҳасиз, икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришда туб бурилиш ясайди, десак муболаға эмас.

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар Шавкат Мирзиёев ҳамда шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг фаол мулоқотлари натижасида мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний юртимизга ташрифи давомида муҳим халқаро тадбир — Қатар Амири ташаббуси билан таъсис этилган Корруп-

цияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топириш маросимида иштирок этди.

Мамлакатимиз илк бор мазкур мукофотни топириш тантанасига мезбонлик қилди. Нуфузли тадбирда олий мартабали меҳмонлар, дунёнинг етакчи экспертлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мукофот 2015 йилда Қатар ҳукумати ҳамда БМТ шафелигида таъсис этилган. У коррупцияга қарши кураш соҳасига ўзини бағишлаган ва мазкур йўналишда илгор янгиликларни жорий этган шахслар ва ташкилотларга берилади.

Мукофотнинг бу йилги тақдирлаш маросими мамлакатимизда ўтказилишида катта маъно бор. Чунки ўтган даврда юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилди. Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган

алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозир коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин. Шу боис, мамлакатимиз ушбу ўткир муаммо оқибатларини чуқур англаган ҳолда БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тарақиёт ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Юртимизда ўзининг турли кўри-нишлари билан тарақиётимизга гов бўлаётган коррупция инлатининг олдини олиш бўйича муайян ишлар қилинди. Хусусан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши куч ва имкониятларини бирлаштириб, яхлит тизимни яратиш имконини берди.

Ҳар йили Тошкентда аънавий Халқаро аксилкоррупция форуми ўтказиб келиняпти. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги йилларда мамлакатимиз "Transparency International" индексига 42 поғонага кўтарилди. "Open Data Inventory" рейтингига эса жорий йилда 30-ўринга чиқдик. Оқиб маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўридан жой олган.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам коррупциявий омилларни бартараф этиш тизими самардорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Хусусан, "Transparency International" халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиغان Коррупциянинг қабул қилиш индексига ҳамда 50 поғонага кўтарилишга, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини

бузиш ҳолатларини 2 баробар камайтиришга эришиш мақсад қилинган.

Демократик ислохотлар ортага қайтмас тус олган янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам келгусида тизимли ишлар давом эттирилади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, бу масъулиятли ва муросасиз кураш йўлида БМТнинг Гиёҳандлик моддалари ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, оқиб маълумотлар тизимини тақомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустақамлашга алоҳида урғу берилиши қайд этилди.

Бугунги кунда Тошкент ва Доҳа ўртасида коррупцияга қарши курашиш йўналишида яқин алоқалар ўрнатилган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг жорий йилда Қатарга ташрифи чоғида шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан олий даражада икки томонлама музокаралар ўтказилиб, ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олувчи қатор ҳужжатлар имзоланган эди.

Қатар Амирининг юртимизга амалий ташрифи истиқболли йўналишларни янада мустақамлашга хизмат қилади. Асосийси, ўзаро муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитиб, манфаатли ҳамкорлигимизни янги, юқори босқичга кўтаришга замин яратади.

ЭКСПОРТ

ОКЕАН ОРТИ БОЗОРЛАРИ
ФАРҒОНА УЗУМЛАРИНИ КУТМОҚДА

Бошланғичи 1-бетда

Бу жараёнда АҚШнинг Қишлоқ хўжалиги департаменти ва Озиқ-овқат маҳсулотларининг санитар назорати бошқармаси (FDA) томонидан Олтиариқ узумларининг карантин талабларига мослиги ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳулоса тақдим этилди.

Америкадаги йирик супермаркетлар билан ҳамкорлик қилувчи "E.L.A. Superior Produce Inc." компанияси билан "Sherakhu" хусусий корхонаси ўртасида узоқ мuddатли экспорт шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, эндиликда 250 тонна "Келинбармоқ" навли узум океан ортига етказиб берилди ва бу савдо алоқалари доимий давом этади. Америка компанияси келажакда тезкор етказиб беришни таъминлаш мақсадида Олтиариқ туманида FDA лицензиясидан ўтган АҚШ мева-сабзавот базасини яратиб, шу ернинг узида хорижий стандарт талаблари асосида карантин рухсатномасини расмийлаштириш ва қадоқлаш тизимини йўлга қўймоқчи.

Тадбиркор Шавкатжон Алиқуллов раҳбарлигидаги "Sherakhu" хусусий корхонаси Россия ва Беларусь давлатларига ҳам Олтиариқ узумларини экспорт қилиб келади. Беларусдаги "Доброном", "Соседи", "Корона", "Грин" каби 7 та йирик супермаркет тармоқларига доимий узум етказиб берилмоқда. Айни кунда корхона томонидан умумий ҳажми 400 тонна мева-сабзавот оёмбори қурилиши повнига етмоқда.

Этиборлиси, жорий мавсумда Фарғона вилоятида етиштирилган 208 минг 400 тонна узумнинг 61 минг 800 тоннаси Олтиариқ тумани ҳиссасига тўғри келди.

Бу бежиз эмас, албатта. Азалдан миришкор деҳқон сифатида танилган олтиариқликлар ҳар қарич ердан фойдаланиш ҳадисини олган. Бу заминда етиштирилган сархил узумларни татиб кўрган киши боғбонлар меҳнати ва маҳоратига тасанно айтади. Тупроқ билан тиллашиш ва диллашишни хуш кўрган олтиариқликлар узум экиш, сақлаш, турларини кўпайтириш ва сотиш борасида жуда катта тажрибага эга. Бойси, кейинги йилларда соҳа ривожини йўлида амалга ошириляётган истиқболли лойиҳалар тиллоранг ва тилёрлар узум етиштириш ҳажминини ошириб, сифатини яхшилаш имкониятини беради.

— Бундай эътироф ва эътиборга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, — дейди туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлими мудири Умиджон Бозоров. — Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшимча қиймат занжирини яратиш, узумчиликни ривожлантиришда кластер, кооперация тизимини жорий этиш бўйича берилган имтиёз ва имкониятлар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Унумдорлиги паст, кам ҳосилли фалла майдонлари босқичма-босқич қисқартирилиб, унинг ўрнига янги тоқзорлар ташкил этилгани ўз самарасини берапти. Кейинги тўрт йилда туманимизда 3000 гектар майдонда янги тоқзорлар ташкил этилди. Яхши ниятда экилган 1400 гектар майдондаги дастлабки узум қўчатлари ҳосилга кирди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик салмоғи 25-30 тоннага етди. Шу кунга қадар узум ва мева етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш йўналишларида умумий қиймати 70 миллиард 654 миллион сумлик 11 та истиқболли лойиҳа ишга туширилди.

Бу жуда катта имконият. Авваллари ҳам олтиариқлик томорқачилар узум етиштирган. Аммо сархил маҳсулотнинг асосий қисмини ички ва яқин қўшни мамлакатларга сотиш билан қиёяланган. Сабоби, халқаро бозор талабларига мос, бир нав ва кўринишга эга бўлган ҳосилни аҳолидан йиғиштириб олишнинг имкони йўқ эди. Бугун ҳамма нарса ўзгарди. Фермер ва кооперация эгалари томонидан ташкил этилган йирик узумчилик плантациялари мижозлар талабу истакларига

мос бўлган узум етиштириб бермоқда. Жорий йилнинг узида умумий қиймати 104 миллион 376 минг АҚШ долларига тенг бўлган 9 минг 600 тоннадан ортиқ маҳсулот Россия, Бирлашган Араб Амирикларига, Европа ва океан орти мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Ҳозирга қадар маҳсулотнинг асосий қисми асосан, куз ойларида ташки бозорда сотилган. Эндиликда бу меваларни йил давомида экспорт қилиш имконияти яратилди. Кейинги икки йилда ташаббускор тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан умумий сигими 68 минг 800 тонна бўлган 83 та замонавий музлаткичлар ишга туширилган меваларни сақлаш ва сотишда жуда қўл келмоқда. Айни кунда мавжуд оёмборларда 4 минг тоннадан ортиқ "Келинбармоқ", "Хусайни", "Ризамат", "Мерседес" сингари узум навлари сақлашга қўйилган.

Тумандаги Кўлбуйи маҳалласи узум етиштириш ва уни сақлашда ўзига хос тажрибага эга. Ҳар бир ҳовлида ишқом бор. Маҳаллада узум пишиғигача ҳосил сақлаш ҳадисини олган миришкорлар кўп. Уларнинг бу борадаги маҳоратига қўйил қолмай иложингиз йўқ.

Узунбой Ғофуров узумчилар сулоласининг бешикчи авлоди. Бу хонадонда қиш чилласида ҳам худди энди узилган, банди кўм-кўк ҳолда сақланаётган узумларнинг кўриб, баҳри дилиннгиз очилади.

— Узумни кейинги йил ҳосили пишгунча сақлаймиз, — дейди миришкор. — Унинг уч хил усули бор. Биринчиси, узумни тоқдан узмай, совуқ об-ҳаводан ҳимоя



қилиб сақлаймиз. Яна бири, махсус қутиларга жойлаб, аънавий уй шариоитида сақлаш. Энг оммалашган тури "баклашча", яъни пластик идишларда сақлаш ҳисобланади. Кейинги йилларда бу усул анча оммалашди. Бунда пишган узумини калпаги билан кесиб, пластик идишдаги сувга солиб қўйилади. Узум узоқ вақт ўз таъми ва кўринишини йўқотмайди. Лекин ҳамма узум навлари ҳам бу аънаваларга мос келмайди. Шу боис, "Келинбармоқ", "Хусайни", "Мерседес" узумларини ноль градусдан паст бўлмаган уй шариоитида сақлаш ҳар жиҳатдан фойдали.

Хонадонда узум сақлашга мослашган оёмборхона қурилган. Ҳар бир хонада 500 килодан 2,5 тоннагача узум сақлаш имконияти бор. Боғбоннинг айтишича, у томорқача хориждан келтирилган "Аватар", "Аливека" сингари маҳаллий иклим шариоитимизга мос серхосил, экспортбол уругсиз узум навларини етиштириш борасида иш олиб борапти. Ҳалол меҳнати ортидан қўнжнинг эътиборига тушди. 2021 йили "Намунали томорқачи" кўрак нишони билан тақдирланди.

Маҳалладаги 575 та хонадоннинг аксариятида узум етиштирилади. Меҳнат қилган одам изланишлари роҳатини кўрмоқда. Буларнинг эвазига тўйлар бўляпти, шинам уй-жойлар қуриляпти. Деярли ҳар бир оиланинг ўз автомобили бор. Маҳаллада узумчилик йўналишида агротуризм ривожланыпти. Узум етиштириш, сақлаш борасидаги ишлар билан яқиндан танишиш, тажриба алмашиш

истагида бўлган хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар сафи кўпаймоқда. Бу зғу амаллар тумандаги "Чинортаги", "Узумчи" "Мирфозил" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳоли хонадонларида ҳам ривожланыпти.

Олтиариқ узумчилик мактаби ҳақида сўз кетганда, асрлар давомида қаровсиз, яйдок дала-дашдаги 1000 гектар майдонда яратилган "Янги Ўзбекистон" узумчилик боғи эътиборингизни тортади. Бу боғларга келган киши кўз илгемас кенгликларда ястаниб ётган тоқзорларга ошурфта бўлади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб бориляётган амалий ислохотлар натижасида тош-шағалдан иборат ерларда янги ризқ-рўз манбаи пайдо бўлди. Янги қудуқ ва ховузлар қазилиб, қир-адирларга обиҳаёт кириб борди. Яхши ниятда экилган амалий ислохотлар натижасида ўзлаштирилган майдонларнинг 560 гектариде тоқзор барпо этилиб, "Хусайни", "Келинбармоқ", "Ризамат", "Кичимиш" сингари бозоргир узум навлари парвариланяпти. 300 гектар интенсив боғда олпа, гилос, ўрик қўчатлари баравж ривожланмоқда. Бу ерда 2 мингдан ортиқ узумчи боғбонлар иш билан таъминланди. Ўтган йили экилган узум ниҳоллари айни пайтда совуқ ҳаво шароитидан эҳтиётлаш мақсадида кўмиб қўйилган.

— Йигирма сотих ерга 600 туп данаксиз "Аватар" навли узум кўчати ўтказдим. Қўчатларимиз келгуси йилдан ҳосилга кирради, — дейди қўрғонтепаллик Муроджон

Мавлонов. — Ниҳоллар маҳаллий шариоитга мос келиб, яхши ривожланди. Данаксиз узумларга ташки бозорда талаб юқори. Ердан унумли фойдаланиш мақсадида қўчатлар орасига эртаки ва тўқсонбости усулда сабзавот ва полиз экинлари экиб, даромад оляпмиз.

Янги боғлар яратиш, узум етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ мустақам занжир яратилишида узумчилик кооперацияларининг ўрни катта бўлмоқда. Айни кунда бу йўналишда 6 та кооперация ташкил этилган.

— Деҳқончиликда ҳамжиҳатлик билан иш олиб бориш муҳим, — дейди "Янги-обод замин ниҳоллари" узумчилик кооперацияси раҳбари Қобилжон Холматов. — 36 гектар ерда узумчилик кооперацияси ташкил қилганмиз. Элиқдан ортиқ аъзоларимиз бор. Экин экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, сақлаш ва сотиш амалларини ўзаро бамаслаҳат, аниқ ҳисоб-китоб асосида олиб бораемиз. Бу сифатли маҳсулот етиштириш, зарарли ҳашаротларга қарши курашиш, таннархни арзонлатишда муҳим ҳисобланади. Шу кунга қадар боғ қатор ораларига ишлов беришга ихтисослашган 3 та мини трактор ва йирик юк ташини машинаси харид қилдик. Бу ўзимизда етиштирилган узумни тўғридан-тўғри бозорга чиқариш имкониятини бермоқда.

Мева етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш, экспорт географиясини кенгайтиришда серхосил, ер ва иклим шариоитига мос қўчат етиштириш муҳим ҳисобланади. "Хайрулло Баҳром Бойматов" фермер хўжалиги 75 гектар ерда узумчилик плантацияси ташкил этган. Бу ерда 20 тўрдаги хорижий ва маҳаллий узум навларини парвариллаш, кўпайтириш борасида амалий ишлар олиб борилмақда.

— Ўтган баҳор мавсумида 250 минг туп ток қўчатлари етказиб бердик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Исоқжон Бойматов. — Асосий эътибор ҳам ички, ҳам ташки бозорда харидоригр бўлган "Келинбармоқ", "Хусайни", "Ризамат", "Мерседес" навларини кўпайтиришга қаратилляпти. Бундан ташқари, бобомерос узум навларини қайта тиклаш мақсадида "Эф-1", "Максим" сингари янги навларни маҳаллийлаштириш борасида изланишлар олиб бораемиз. Бу навлар эртапишарлиги, серхосиллиги ва узоқ вақт сақланиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Айни кунда қўчат экиш мавсуми учун 200 минг тупдан ортиқ ток қўчатлари етказиб берамиз.

Сирасини айтганда, узумчилик борасида Олтиариқ тажрибасини оммалаштириш йўлида баҳориланган ишлар аҳоли фаровонлигини ошириб, экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Ҳилола УМАРОВА:

“Ўқувчиларимиз интеллектуал салоҳиятда ҳеч бир мамлакат ёшларидан қолишмайди!”

Бошланғич 1-бета

— 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” сифатида тарих зарварларига муҳрланмоқда. Албатта, йилнинг алоҳида номланиши билан қабул қилинган Давлат дастури ушбу соҳалар ривожига туртки бериши шубҳасиз. Айтинг-чи, жорий йилда ёш авлоднинг сифатли таълим-тарбия олиши борасида қандай янгилик ва ютуқларга эришилмоқда?

— Дарҳақиқат, мактабгача ва мактаб таълими — узлуқсиз таълим тизимининг энг масъулиятли ва мураккаб бўғини ҳисобланади. Зеро, дунёни англаши бошлаган уч ёшли мураккаб боланинг етук ва баркамол шахс бўлиб камол топиши учун салкам ўн беш йил вақт лозим. Бу — айтишга осон муҳдат. Аммо ушбу давр мобайнида биргина фарзанднинг жисмонан соғлом, интеллектуал етук, маънавий баркамол ўғайлиши учун нафақат ота-она ва устоз-муаллим, балки бутун жамиятнинг эътибори, меҳнати ва албатта, сармоёси талаб этилади. Шу боис, бу йилда соҳада эришилган муваффақият ва мавжуд муаммоларни фақат шу даврга нисбатан олиш, менимча, хато бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” деган ғояси ислохотларимиз ўзаги бўлиб турибди. Жорий йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея номланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бинобарин, фарзанд, энг аввало, оилада тарбия топади. Шу боис, давлатимиз томонидан ҳар бир инсоннинг кадр-қимматини муҳофазалаш, унинг муносиб ҳаёт кечириши ва меҳнат қилиши учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий қафолатларни таъминлашга устувор эътибор қаратилётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда.

Шунга муносиб тарзда сўнги йилларда, энг аввало, мактабгача таълим-тарбия тизимини мутлақо янгидан бунёд этишга устувор аҳамият қаратилган. Бинобарин, оламни англаш учун ҳайрат ва завқ билан тетапола қилаётган болага замонавий шарт-шароит ва маҳоратли мураббий-педагоглар кўмагида илмий асосда таълим-тарбия бериш қанчалик эрта бошланса, шунчалик афзал эканини улғу мутафаккирларимиз кўп бора таъкидлаган. Шу боис, кейинги беш-олти йилда республикамизда мактабгача таълим ташкилотлари сони 33 минг 942 тага етди. Бу билан 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 28 фоиздан 74 фоизга ҳамда 6 ёшли болаларнинг мактабга тайёрлов қамрови 93 фоизга ўсди.

Бугун йиррик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда ҳам янги-янги замонавий болалар боғчалари барпо этилган. Биргина жорий йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклиги асосида 7100 ўринга эга 71 та хусусий ҳамда 116 минг 998 ўринли 4402 та оилавий нодавлат болалар боғчаси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, 26 минг 890 ўринга эга бўлган 168 та давлат мактабгача таълим ташкилотига бунёдкорлик ишлари бажарилиди. Шундан 53 таси янги қурилди.

Неча ўн йиллардан буён фарзанду набираларининг бахтли болалигини орзу қилиб юрган юрдошларимиз қувончини тасаввур қилсангиз, ушбу эзгу ишлар кўламини тўлиқ ҳис қилишингиз шубҳасиз.

Бундан ташқари, сўнги йилларда мактаб таълимида асрлар давомида йиғилиб, ҳатто ўз даврида жадид болаларимизни ҳам ташвишга солган кескин муаммоларга оқилона ечим топилмоқда. Ўтган беш-олти йилда республикамизнинг барча ҳудудларида юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Бутунлай янги ном ва маъқедаги Президент мактаблари, иқод мактаблари фаолият бошлади, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи муттасил кенгайиб бормоқда. Таълим сифатини халқаро стандартларга мослаштириш борасида янги мазмун-мундарижадаги дарслик ва ўқув кўпнаамалари яратилган.

Айниқса, яқин-яқингача ўқувчи-муаллимлар, ҳатто ўқувчилар тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ва ягана каби дала юмушларини ободонлаштириш ишларидан озод қилинган халқаро меҳнат ташкилотлари эътирофига сазовор бўлганини таъкидлаш жоиз.



Ўқувчи ва мураббийларнинг меҳнат шариоитларини яхшилаш, малакасини ошириш, муносиб иш ҳақи тўлаш ҳамда рағбатлантириш тизимида ҳам очиқ ва шаффофлиқни таъминлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Хусусан, узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган олис ҳудудлардаги мактабларга бориб, фидо-корона меҳнат қилаётган, ўқувчиларнинг сифатли таълим олишини муқаддас бурчи деб билган жонқур муаллимлар меҳнатига махсус кўшимча тўлов жорий этилган ҳолда, билим ва маҳорати Миллий ва халқаро сертификатлар билан тасдиқланган она тили ва адабиёт, хорийж тиллар, математика, кимё, биология ҳамда ахборот технологиялари фанлари ўқувчиларига устама тўлаш механизми жорий этилди.

Айниқса, республика бўйлаб янги ва замонавий мактабларнинг бунёд этилишига ҳам давлат бюджетидан фақатгина жорий йилда 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, 118,6 мингта янги ўқувчи ўрни яратилди. Шунингдек, 114,8 минг ўринли бинолар муқаммал таъмирланди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида 1,5 мингдан ортиқ мактабнинг моддий-техник базаси ва инфратузилмаси яхшилانган бўлса, 2 мингта яқин таълим муассасасига қайта тикланувчи кўёш электр панеллари ва кўёш сув иситиш қурилмалари ўрнатилди.

Эътиборлики, 2024 йили давлат бюджетидан мактабларнинг қурилиши ва инфратузилмасини замонавийлаштиришга 4,1 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Бу жорий йилда ушбу мақсадларга сарфланган маблағга нисбатан салкам икки баробар кўп демакдир.

Албатта, бундай кўламли ишларни яна давомли санаш мумкин...

— Бугун ўқувчилик касби нуфузи сезиларли равишда ошиши билан муаллимларнинг фаолияти ва ўқувчилар таълим-тарбиясига эътибори кучайгани бор гап. Аммо жорий йилда ўтказилган халқаро PISA тадқиқоти дастурида ўзбекистонлик ўқувчиларнинг салбий натижа кўрсатганини қандай изоҳлайсиз?

— Маълумки, PISA тадқиқотлари ҳар бир мамлакатга ўзининг кучли ва заиф томонларини дунё таълим тизими билан қиёслаш имконини беради. Мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бирига айланган экан, унинг самарсини халқаро мезонларда баҳолашга эҳтиёж юзага келгани табиий. Бинобарин, бугун давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси билан юртимиз халқаро майдонда ўз мавқеи ва нуфузини очиқ намоён этмоқда.

2022 йилда ўтказилган PISA баҳолаш дастурида 85 давлат қатори Ўзбекистон ҳам илк маротаба қатнашди. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг тадқиқотга муносиб тайёрларлик қилишини талаб этади. Чунки PISA тадқиқотида баҳолашнинг асоси, бу — математика, ўқиш, табиий фанлар ва қатор инновацион соҳалар бўйича жаҳон миқёсида мувофиқлаштирилган топшириқлар тўплами. Бундай баҳолаш ҳар 3 йилда иштирокчи мамлакатларнинг 15 ёшли ўқувчилари ўртасида тасодифий танлов асосида ўтказилади.

Афсуски, узоқ йиллар республикамизнинг аксарият таълим муассасаларида ўқувчиларимиз билимларини амалда қўлай билув кўникмасига эмас, маълумотларни ёдлашга ўргатилди. Замонавий дунё таълимида эса ёдлашгагина асосланган тизим

билан яхши натижа қайд этиш имконсиз. Аслида, мамлакатимиз PISA баҳолаш дастурида қатнашининг ўзида ҳам айнан таълим тизимидаги мавжуд заифликларни аниқлаш ҳамда ўз вақтида зарур хулосалар чиқариш мақсади бўлганини кенг фикрли ҳар инсон тушунишига ишончим комил. Демак, энди ўз қўбйимизда ўз ютуқларимизга ўзимиз махлиё бўлиб юришимизнинг вақти ўтди.

Биз кунги кеча Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Cooperation and Development — OECD) бош қотибининг таълим сисатига бўйича махсус маслаҳатчиси, Таълим ва кўникмалар департаменти директори, PISA баҳолаш тизими асосчиларидан бири Андреас Шляйхер ҳамда унинг жамоаси билан онлайн муҳокама ўтказдик. Хорижлик экспертлар ва ўзимизнинг малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тўзиб, уларнинг тавсиялари ва барча ҳудуд раҳбарлари тақлифлари асосида, биринчи навбатда, ҳар бир туман кесимида “йўл хариталарини” ишлаб чиқамиз. Айни дамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда OECD ташкилотининг расмий сайтида ўзбек қорақалпоқ ва рус тилларида намунавий саволлар жойлаштирилган бўлиб, унда ўқувчилар ўз билимини синаб бориши мумкин.

Шу ўринда бир жихатни таъкидлашни истардим: ўқувчиларимизнинг PISA дастурида паст натижа кўрсатишида халқаро стандартларнинг таълим тизимимизга узоқ йиллар давомида жорий этилмагани асосий омилидир, десак хато бўлмайди. Зеро, мамлакатимиз ўқувчилари интеллектуал салоҳиятда ҳеч бир давлат ёшларидан қолишмаслигига ишончим комил!

Фикримиз исботини жорий йилда ўтган 5 та энг нуфузли халқаро фан олимпиадасида ўқувчиларимиз 13 (2022 йили — 6 та),



бошқа халқаро олимпиадаларда 52 медални (2022 йили — 37 та) қўлга киритганида ҳам кўриш мумкин.

Яна бир янгилик: кунги кеча Президентимиз раислигида мамлакатимизда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилганда хабарингиз бор. Ушбу анжуманда 2026 йилда Халқаро информатика олимпиадаси илк бор мамлакатимизда ўтказилиши эълон қилинди. Нуфузли олимпиаданинг юртимизда ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта. Зотан, кейинги йилларда мамлакатимиз IT хабиға айланмоқда. Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг ахборот технологиялари соҳаларида ўқиши, тажриба алмашиши борасида кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасига 1,9 миллион ўқувчи жалб этилиб, 1,1 миллион нафари сертификатга эга бўлди. Шунингдек, 444 нафар тренер ҳамда таълимни рақамлаштиришга масъул 200 дан ортиқ мутахассис ва 500 дан кўп педагогнинг тажриба ошириши таъминланди. Ўқув курсларини муваффақиятли яқунлаган 100 нафар энг яхши “Информатика ва ахборот технологиялари” фани ўқувчилари эса БХМнинг 20 баробари (5,4 миллион сўм) миқдорда бир марталик мукофот пули билан тақдирланди.

Ҳозирда вазирлигимиз томонидан Халқаро информатика олимпиадасига қизгин тайёрларлик бошлаб юборилди. Бунда республикамиз бўйича IT соҳасига қизиқувчи ўқувчи-ёшлар ўртасида турли танловлар ўтказилиб, салоҳиятли ўқувчиларни танлаб олишга мўҳим эътибор қаратилади. Шунингдек, ёшларимизни олимпиадага тайёрлашда хориждан ҳам малакали мураббийлар жалб қилиш назарда тутилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади” деган ғояси ислохотларимиз ўзаги бўлиб турибди. Жорий йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея номланиши ҳам бежиз эмас, албатта. Бинобарин, фарзанд, энг аввало, оилада тарбия топади. Шу боис, давлатимиз томонидан ҳар бир инсоннинг кадр-қимматини муҳофазалаш, унинг муносиб ҳаёт кечириши ва меҳнат қилиши учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий қафолатларни таъминлашга устувор эътибор қаратилётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда.



Албатта, бу каби танлов ва билимлар рақобати ёшларимизнинг келгуси муваффақиятларига асос бўлиши шубҳасиз. Демак, таълим тизимидаги ислохотларимизни янада жадаллаштириш ва халқаро

ўз устида доимий ишлаб, ўқувчиларнинг барча фанлардан ўзлаштириш самардорлигини оширишга эришмоқда. Тажриба-синовларни муваффақиятли ташкил этган муаллимларни рағбатлантириш мақсадларига 2024 йилда давлат бюджетидан 250 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилгани ҳам вазифанинг нечоғлиқ мўҳим эканидан далолатдир.

Келгуси йилдан эса навбатдаги босқичда ушбу 500 та мактабнинг ҳар бирига яна 3 тадан мактаб бириктирилиб, янги тизим янада кенг қўлоч ёзишига шариоит яратилади. Бу ишлар орқали яна 1,5 мингта мактабга Президент ва ихтисослашган мактаблар методикаси, мўҳити кириб бориши назарда тутилган янги ташаббуснинг қанчалик тез фурсатларда амалга ошишини кўрсатади. Демак, келгуси беш йилда ушбу янги тизимнинг барча мактабларда жорий қилиниши, албатта, мактаб таълими ислохотини янги босқичга қўтариши шубҳасиз.

— Таълим ислохоти мактаб синфхонасида ўқувчи билан юзма-юз

ўз-ўзидан коррупция эҳтимолининг олдини олади.

Ҳар бир ўқувчининг сифатли билим олиши, таълимда тенглик таъминли устувор бўлиши борасидаги саъй-ҳаракатлар самарасида хаттоки энг чекка ҳудудлардаги мактаблар ҳам билимли ва маҳоратли педагоглар билан таъминланмоқда. Бунда энг олис ҳудудлардаги мактабларда фаолият қўрсатаётган фидойи ва жонқур ўқувчилар оиллик маошига қўшимча 100 фоиз устама тўлаш тартибининг жорий этилгани мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Эътиборлики, айни кунларда барча вилоятларда 500 нафар хорижлик мутахассис мактаб таълимига жалб этилган ҳолда, ўқувчиларга чет тилларида сабоқ бермоқда. Бу ўқувчи ва ўқувчиларимизнинг хорижий тажрибани ўрганишида мўҳим аҳамият касб этади.

— Ҳар бир мактаб — алоҳида тажриба-синов ва маҳорат майдони. Шу боис, бир ҳудуддаги икки ёндош мактабда ўқувчи ва ўқувчилар турли натижа кўрсатиши табиий. Бунда мактаб раҳбари — директорнинг етук мутахассис бўлиши баробарида менежерлик маҳорати мўҳим. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, соғлом ва барқарор маънавий мўҳит замонавий раҳбарга боғлиқ. Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида “Директорлар кенгаши” тизимини жорий этдик. Энди директорликка номзодларни шу кенгаш саралайди. Бу билан мактаб таълимида бошқарув тизими ўзгарди. Энди директорликка номзодлар фақат менежерлик сертификати бор ва заҳирага киритилган кадрлар орасидан танланиб, муҳдатли шартнома асосида лавозимга тайинланмоқда.

Ҳозирда Абдулла Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти тузилмасида таълим тизимини ҳодимларнинг билим даражаси ва касбий маҳоратини баҳолаш маркази фаолият юритмоқда. Эндликда ушбу марказ томонидан мактаб директори лавозимига номзодларни махсус дастурлар асосида жамоада ишлаш ва ота-оналар билан мулоқот қилиш, бошқарув, молиявий ҳисоб-китоблар ҳамда ахборот технологияларини ўргатиш, билим ва кўникмаларни баҳолаш асосида менежерлик сертификатини бериш тартиби йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, замонавий мактаб директори ўқувчи ва ташкилотчи, ҳуқуқшунос ва иқтисодчи бўлиши керак. Янги тизим бу борадаги фаолиятимизни мувофиқлаштириш ҳамда замонавий раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришда мўҳим омили бўлмоқда, десак муболага эмас.

— Суҳбатимиз якунида мактабгача ва мактаб таълими тизимида фаолият қўрсатаётган бирча мутахассис ҳодимлар, ўқувчи-педагоглар ҳамда ўқувчиларга Янги йил тилақларингизни билдиришингиз мумкин.

— Комил инсон тарбияси — фаровон истиқбол қафолати. Шундай экан, ҳалқимиз ҳамжихатлиги, юртимиздаги тинчлик-тотушлик ва албатта, ёш авлод камолоти, ерўғ истиқболни учун жамиятимиз ҳар бир аъзосининг дахлдорлиги жуда мўҳим.

Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган анжуман айнан таълим тизими ислохотларига бағишланган бежиз эмас, назаримда. Зотан, давлатимиз раҳбари анжуман аввалида ўқувчи-муаллимларга мурожаат қилиб: “Бугун сизлар таълим-тарбия бераётган, қалбини, онини эзгулик билан тўлдиратган миллионлаб фарзандларимиз эртага Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлиб бизнинг сарфимизга киради. Ватанимиз, халқимиз сизларнинг бундай олжанаб хизматларингизни ҳеч қачон унутмайди!” дея юксак ҳурмат ва ишонч билдирди.

Истардимки, ҳар бир ўқувчи-мураббий ана шу ишонч ва эътирофга сазовор бўлсин! Ерўғ орзулар билан дастлаб мактабгача таълим ташкилоти боғида болаликнинг бахти ва завқдан қувват олиб, мактаб остонасини ҳақлаган ҳар бир ёш янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий бунёдкорлари бўлиб камол топсин!

Баҳодир ЖОВЛИЕВ суҳбатлашди.



ТАРАККИЁТ МЕЗОНЛАРИ

Бизнестан хабардор одам яхши билади, махсулот етиштириш бир карра даромад бўлса, уни қайта ишлаб, истеъмолга тайёр ҳолда сотиш бир неча баробар фойда. Агар махсулот чет эллик харидорларга ҳам маъқул келиб, ташқи бозорга чиқа бошласа, ишбилармон даромадини ўн чандон ортиги билан ҳисоблайверса бўлади. Қарабсизки, маҳаллий ишбилармон аста-секин экспортёрга айланиб, миллий брендимизни жаҳон бозорига олиб чиқади.

Бизнестин қоидаси шундай. Ишлаб чиқаришга мос тарзда қайта ишлаш ва экспорт кўрсаткичлари ҳам охири бориши керак. Яъни тақдирга яраша доим талаб бўлиши зарур. Бугун шу йўналишда етакчилар қаторида турган Хитой, Сингапур, Германия каби ривожланган давлатлар айни жиҳатлар билан жаҳон бозорининг катта қисмини эгаллаб турибди. Улар бизнестин бошқара олди, товар сотяпти, экспортда юқори натижага эришяпти.

Ўзбекистон ҳам ана шу давлатлар йўлидан дадил борапти ва сарҳисоб палласида

Даврон ВАҲОБОВ,
Савдо-саноат палатаси раиси:

— Ушбу йўналишларнинг бари бевосита тадбиркорлик билан боғлиқ бўлгани учун уларни бир нуқтада бирлаштириш аниқ вазифалар доирасида ҳаракат қилиш ва натижадорликни оширишга имкон беради. Шу боис, Экспорт агентлиги ва жамғармаси, "Ўзбекэкспертиза" ташкилоти ҳам Савдо-саноат палатаси тизимига ўтказилди. Яъни мамлакатимиз ишбилармонлари энди ҳар қандай фаолияти давомида, ишлаб чиқаришдан тортиб, экспортда керак бўладиган барча зарур ёрдамлар бир тизимда, айнан тадбиркорларнинг ўзи бошқарадиган ташкилотда кўрсатилади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу тадбиркорларни эшитиш, талаб ва истакларини амалга ошириш учун керак.

Савдо-саноат палатаси фаолияти тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик. Ҳозирги кунда юртимизда кичик тадбиркорлик субъектлари сони 600 миңдан ортиқ эканини инобатга олсак, қўлам нақадар кенг экани яққол кўринади. Бу бизнес эгаларини шунчаки тинглаш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш эмас, балки амалий ва молиявий аниқ тақдирлар асосида қўллаб-қувватлаш заруратини оширади. Шу боис, палатата қўшимча ваколатлар берилиши баробарида иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, экспорт кўрсаткичларини ошириш, вилот ва туманларда лойиҳа офисларини шакллантириш, бу тизимни янада тақомиллаштириш, тадбиркорларга лойиҳаларнинг жозибадорлигини кўрсатиб бериш бўйича катта вазифалар қўйилди.

Уларнинг ҳар бири алоҳида йўналиш бўлиб, умумий ривожлантириш бўйича аниқ ишлар қилинади. Масалан, маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни оилайки. Бизга брикетирилган 8 та тармоқни корхоналар кесимида кейинги босқичга олиб чиқиш, яъни уларда импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эҳтимоли кичик бизнесни йирик корхоналар билан кооперация қилиш бўйича ишланади.

Мамлакатимизда деярли барча тармоқда хомашё ҳам, уларни қайта ишлаш имкониятлари ҳам етарли. Фақат буни ишга солиш керак. Масалан, биргина тўқимачиликда келгуси йилда яна 700 миллион долларлик қўшилган қиймат яратиш мумкин. Бунинг

Қўшилган қиймат занжири ва экспорт

даромадни ўн карра оширади

охирги йилларда катта ишлар қилингани кўза ташланади. Яқин 6-7 йилда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётимизнинг драйвер соҳасига айланди. Яратилган қўлай бизнес муҳити хоризонтли инвесторларни ҳам ҳамкорликка ундамоқда, соҳанинг ҳуқуқий қаролиги таъминланиши ортдан маҳаллий тадбиркорлар сони ошиб борапти. Уларнинг ҳар бири иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш қувватлари, экспорт ҳажми орттиришга ҳисса қўшяпти.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 18 декабрь кунини худудларда ишлаб чиқариш янада кенгайтириш ва хизматларни

ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш бугун дунёда юз бераётган турли кескин вазиятлар шароитида, айниқса, муҳим экани таъкидланди. Гап иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш билан бирга, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириб, рақобатбардор махсулотларни қўлайтириш устида бормоқда. Шу мақсадда эндиликда тизимни тақомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Худудларда ишлаб чиқариш, саноат зоналари ва экспорт Савдо-саноат палатаси зиммасига юклатилди.

ушбу йўналишларнинг бари бевосита тадбиркорлик билан боғлиқ бўлгани учун уларни бир нуқтада бирлаштириш аниқ вазифалар доирасида ҳаракат қилиш ва натижадорликни оширишга имкон беради. Шу боис, Экспорт агентлиги ва жамғармаси, "Ўзбекэкспертиза" ташкилоти ҳам Савдо-саноат палатаси тизимига ўтказилди. Яъни мамлакатимиз ишбилармонлари энди ҳар қандай фаолияти давомида, ишлаб чиқаришдан тортиб, экспортда керак бўладиган барча зарур ёрдамлар бир тизимда, айнан тадбиркорларнинг ўзи бошқарадиган ташкилотда кўрсатилади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу тадбиркорларни эшитиш, талаб ва истакларини амалга ошириш учун керак.

Савдо-саноат палатаси фаолияти тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик. Ҳозирги кунда юртимизда кичик тадбиркорлик субъектлари сони 600 миңдан ортиқ эканини инобатга олсак, қўлам нақадар кенг экани яққол кўринади. Бу бизнес эгаларини шунчаки тинглаш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш эмас, балки амалий ва молиявий аниқ тақдирлар асосида қўллаб-қувватлаш заруратини оширади. Шу боис, палатата қўшимча ваколатлар берилиши баробарида иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, экспорт кўрсаткичларини ошириш, вилот ва туманларда лойиҳа офисларини шакллантириш, бу тизимни янада тақомиллаштириш, тадбиркорларга лойиҳаларнинг жозибадорлигини кўрсатиб бериш бўйича катта вазифалар қўйилди.

Уларнинг ҳар бири алоҳида йўналиш бўлиб, умумий ривожлантириш бўйича аниқ ишлар қилинади. Масалан, маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни оилайки. Бизга брикетирилган 8 та тармоқни корхоналар кесимида кейинги босқичга олиб чиқиш, яъни уларда импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эҳтимоли кичик бизнесни йирик корхоналар билан кооперация қилиш бўйича ишланади.

Мамлакатимизда деярли барча тармоқда хомашё ҳам, уларни қайта ишлаш имкониятлари ҳам етарли. Фақат буни ишга солиш керак. Масалан, биргина тўқимачиликда келгуси йилда яна 700 миллион долларлик қўшилган қиймат яратиш мумкин. Бунинг

Янги турдаги махсулотлар ўзлаштирилмоқда

Бугунги кунда хомашёни қайта ишлаб, тайёр махсулотга айлантириш кўрсаткичлари, айниқса, юртимиз электротехника саноатида юқори. Бу охири йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари билан боғлиқ. Яъни йирик электротехника бозори яратилди. Бундай турдаги махсулотларнинг ички бозорларимизга кириб келиш қўламини бир неча баробар орттиришдан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқариш қувватлари ҳам ошиб борапти. Жорий йилда тармоқдаги экспорт ҳажми 1 миллиард долларга етгани бунинг яққол исботи.

Демак, электротехника саноатида йирик қийматдаги лойиҳаларни амалга ошириш имконияти бор. Бу ҳозирча 2 миллиард

доллар, деб баҳоланмоқда. Масалан, қурилаётган 27 гавватт қувватли қуёш ва шамол станциялари учун 500 миллион долларлик кабелга эҳтиёж бор. Машиий техника, трансформатор каби ускуналарга ҳам талаб юқори. Келгуси йилда Охангарон саноат зонасида ишга туширилаётган 5 та лойиҳа ҳамда Бухоро шаҳрида ташкил этиладиган технопарк шу махсулотларни маҳаллийлаштиришга йўналтирилган. Аммо бу ишларнинг бир қисми, ҳолос. Катта бозорни тўлдирish учун ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириб бориш талаб этилади.

Мирзиёд ЮНУСОВ, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси раиси:

— Миллий брендларни яратиш, уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш барча соҳалар қатори электротехника саноати учун ҳам муҳим. Биз йиллар давомида бу турдаги махсулотларни, асосан, импорт қилиб келганмиз. Шунда ҳам бозор тўлиқ очилмаган, махсулотлар турлари у қадар кўп эмасди. Ҳозир эса нафақат исталган электротехника махсулотини олиб кириш, балки маҳаллий бренд остида ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам юқори. Бунинг исботи улароқ айтиш мумкин, 2016 йилда юртимизда электротехника саноати корхоналари сони 97 та бўлган бўлса, бугунга келиб миңдан зиёд.

Тармоқда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бораётир. Соҳа корхоналари қувватининг ўртача фойдаланиши даражаси 83 фоиздан ошган. Юқори қўшилган қийматли махсулотлар улуши ҳам 2017 йилдагидан 1,5 баробар охиб, 93,7 фоизни ташкил этапти.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил ноябрь ойида ўтказилган йиғилишида электротехника саноатини келгуси йилларда янада ривожлантириш бўйича аниқ топширқлар берилган эди. Шу асосда 2024-2026 йилларда амалга ошириладиган, умумий қиймати 1,9 миллиард долларга тенг 185 та инвестиция лойиҳаси пакети шакллантирилди. Мазкур лойиҳалар ҳисобига келаси йилда тармоқда ишлаб чиқаришни 20 фоиз ошириш, мисли қайта ишлаш ҳажмини 140 миң тоннага етказиш режалаштирилган.

Соҳани саноат технопаркига кўринишида ривожлантириш истиқболига катта эътибор қаратилётгани бежиз эмас. Бу маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда ҳам қўшимча имкониятлар беради. Ана шу тизим доирасида келаси йили мис кластери ҳақида умумий қиймати 120 миллион долларлик 5 та лойиҳа бажари-



либ, 25 миң тонна мисдан кабел ва 1,5 миңта трансформатор ишлаб чиқариш қувватлари яратилади. Бухоро вилоятда 120 миллион долларлик машиий техника технопаркиннинг биринчи босқичи ишга туширилиб, 25 миллион долларлик ишлаб чиқариш қуввати яратиш режалаштирилган. Янги лойиҳалар орқали юртимизда қуёш панеллари ишлаб чиқариш қувватини 790 мегаваттга, қуёш сув иситкичларини 200 миң донга етказиш белгиланган. Бу йўналишда БААнинг "Masdar" ва "ACWA POWER" компаниялари билан энергетика йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида умумий қиймати 316 миллиард сўмлик махсулотлар етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаганмиз.

Электротехника бозорига талаб ортиши ҳисобига маҳаллийлаштириш даражаси ҳам ўсиб борапти. Биргина жорий йилнинг ўзида моноблок, юқори кучга эга стационар аккумуляторлар (UPS), рентген ва диагност-

тика ускунаси, оптик толали кабел, қуёш панеллари учун силикон қопламали кабел каби янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди. Келаси йили қиймати 2,6 триллион сўмлик 20 турдаги махсулот ўзлаштирилиши режалаштирилган, паншет ва моноблок, қуёш панеллари ва шамол электр станцияларида фойдаланиладиган махсус кабеллар, акли сув улчагич каби импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқарилади.

Юртимиз электротехника саноатидаги энг катта ютуқлардан яна бири мисни қайта ишлаш ҳажми ортиб бораётганидир. Жорий йилда бу кўрсаткич 90 миң тоннага етган бўлса, 2025 йилга бориб, 140 миң тоннадан ошириш режа қилинмоқда. Эътиборлиси, мис хомашёси асосида тайёрланган махсулотларнинг аксарият қисми, яъни қиймати қарийб 500 миллион долларга яқин махсулот экспортга йўналтирилиб, соҳамизда юқори қўшилган қийматли махсулотлар улуши 2017 йилдаги 63,1 фоиздан 93,7 фоизга чиқади. Қайта ишлаш даражасини ошириш ҳисобига 1 тонна мис хомашёсининг экспортда ўртача қиймати 167 доллардан 583 долларга етди. Мазкур хомашёдан ишлаб чиқарилган махсулотлар улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда асосий кўрсаткич мис симлар, плита ва листларга тўғри келган бўлса, жорий йилда юқори кўчунлиши ва коаксиал кабеллар ҳамда бошқа электротехника жиҳозлари ҳиссаси анча ортган.

Умуман, электротехника саноатида имкониятлар юқори. Соҳа тадбиркорларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор эса ана шу имкониятлардан кенгроқ фойдаланишга йўл очяпти.

**"Янги Ўзбекистон" муҳбири
Ирода ТОШМАТОВА
ёзиб олди.**

БУГУННИНГ ГАПИ

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ МАНФААТИ — УСТУВОР

Бошланғичи 1-бета

лекин у қонуний бурчини ҳам бажариши шарт

20 декабрь кунини бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг 48-япи мажлисида "Солиқ ва бюджет сисъатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг маъқулланиши бунинг яна бир амалий тасдиғидир.

Сенаторлар қайд этганидек, мазкур қонунда 2024 йил учун солиқ сисъатининг асосий йўналишлари белгиланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардорлигини ошириш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ солиш тартибини тақомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғи занжирининг узлуксизлигини таъминлаш, табиий бойликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, мутлак сўмдада белгиланган солиқ ставкаларининг қўллаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда, индексация қилиниши назарда тутилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари манфаатидан келиб чиқиб, уларга қўлайлик яратиш мақсадида 2024 йил учун белгиланган асосий солиқ ставкаларига — фойда (15 фоиз), қўшилган қиймат (12 фоиз), жисмоний шахслардан олинладиган даромад (12 фоиз), юридик шахсларнинг мол-мулк (1,5 фоиз), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи (экинзорларнинг норматив қийматиға нисбатан белгиланган 0,95 фоиз), ижтимоий (12 фоиз, бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз), айланмадан олинладиган солиқ (4 фоиз)лар ўзгартириш қўлдирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида иқтисодиёт ва молия вазирлиги ўринбосари Аҳадбек Хайдаров тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча энгилликлар яратиш мақсадида камерал солиқ текширувида тадбиркордан ҳужжат талаб

қилиш, бино ва худудларига кириш ёки уни идорага қақиритиш таққиланаётганини эътироф этган эди. Шу билан бирга, бизнес юриштишни соддалаштириш мақсадида солиқ ҳисоботини сақлаш ва солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатлари қисқартирилиб, беш йиллик муддат уч йил қилиб белгиланмоқда. Фойда солиғи бўйича ҳар ой бунан тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилмоқда.

Солиқ тўловчиларга энгилликлар яратиш мақсадида қозғовозлиқни бартараф этиш, ортиқча ҳужжатлар талаб қилмаслик ва уларнинг вақт ҳамда маблағлари сарфланганини камайитириш учун солиқ органларининг улардан (солиқ агентидан) ҳужжатлар талаб қилиб олиш ваколати бекор қилинмоқда.

Маълумки, ўз ишини ўзи топиб, уни ўзи бажариш орқали даромад қўрайдиган кишилар ўзини ўзи банд қилган шахслар тоифасига қиради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, уларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмайди. Ихтиёрий асосда бир базавий ҳисоблаш миқдорида иқтимоий солиқ тўлайди. Бинобарин, мазкур йўналишда фаолият юритадиган касб-корлик турлари кенгайиб бориб, ҳозирги кунда улар сони юздан ортиб.

Эндиликда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматлар) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида 100 миллион сўмдан ошган кундан эътиборан, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ тўлаши қонунда назарда тутилмоқда. Шу боис, яқна тартибдаги тадбиркорлар ва уларнинг фаолият



турларини солиштириш ҳамда кейинчалик рўйхатини қайта қўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Хоржий ва маҳаллий тадбиркорлар учун бир хил шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳақидада йўл-варларни (хизматлар) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, шунингдек, чет давлатларнинг қонунчилиғига биноан тадбиркорлик сифатида рўйхатдан ошган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар, агар товарларни (хизматлар) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса, у ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиши белгиланмоқда.

Оғир юк машиналари томонидан республика ва маҳаллий даражадаги йўллардан фойдаланишда уларни яроқсиз ҳолга келтириш оқибатида етказилаётган зарарларни қоплаш мақсадида юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорт воситалари ва тирка-

қилишда табиатга зарар етказилаётгани ҳамда ушбу йиғимдан тушган маблағлар иқтимоий аҳамиятга эга дастурларни молиялаштиришга йўналтирилаётганини ўқиб мамнун бўлдим, — дейди иқтисодиёт вазирлиги мудири, эксперт Рўзимбой Қурбанов. — Унга мувофиқ, 2024 йил 1 июлдан бошлаб автомобиль шиналарининг бир донаси вазнидан (килограмм учун) келиб чиққан ҳолда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,3 фоизи улушига тенг бўлган утилизация йиғими жорий этилмоқда. Бунда шиналарнинг ўртача вазни ҳисобга олиниб, утилизация йиғими миқдори энгил автомобиллар учун ўлчамли R13 дан R20 гача бўлган шиналарга 6,2 миңдан 16,2 миң сўмгача, юк автомобиллари учун ўлчамли R16 дан R18 гача бўлган шиналарга 11,3 миңдан 58,8 миң сўмгача ташкил этади. Масалан, шундай йиғим қўшимчиси Қозғовозлиқда (R13) донаси учун 7,9 миң сўм, юк машинасида (R18) 78,4 миң сўм миқдорда ундирилади.

Мамлакатимизда автомобиль шиналарини утилизация қилиш йиғимидан келиб тушган маблағ атраф-мухитни муҳофаза қилиш ва "Яшил макон" дастури доирасидаги лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириш тақдиф этилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади.

Яна бир эътиборли жиҳат, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб таркибда шакар ёки бошқа ширинлантирувчи ва (ёки) хушбўйлаштирувчи моддалар қўшимчалари бўлган минерал ва газланган ичимликларга 1 литр учун 500 сўм, шунингдек, энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларга 1 литр учун 2 миң сўм миқдорига акциз солиғи жорий этилмоқда. Бинобарин, бу тақдиф Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таркибиде шакар ва бошқа турдаги ширинлантирувчи моддалар мавжуд ап-

коғолсиз ичимликлар учун қўшимча солиқ киритиш бўйича тавсияси асосида киритилляпти. Ушбу акциз солиғидан келиб тушган маблағни тўлиғича Тиббиётни ривожлантириш жамғармасига йўналтириш назарда тутилган.

Таркибда шакар ёки бошқа турдаги ширинлантирувчи моддалар мавжуд бўлган ичимликларни солиққа тортиш дастлаб Бельгия, Финляндия, Франция, Венгрия, Ирландия, Латвия, Монако, Норвегия, Португалия, Буюк Британия каби давлатларда жорий этилган. Ушбу амалиёт 2016 йилдан кейин бошқа мамлакатларда ҳам кенг тарқалиб, бугунги кунда 50 дан ортиқ давлатда қўлланиб келинмоқда.

2024 йил 1 январдан мол-мулк солиғи асосий ставкаси, яъни 1,5 фоиз сақлаб қолинган ҳолда, солиқ базасини ҳисоблашда 1 квадрат метр учун ўрнатилган минимал қиймат Тошкент шаҳрида 3 миллион, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 2 миллион, бошқа шаҳар ва қишлоқлар учун 1,2 миллион сўм этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, ресурс солиқларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида солиқ тўловчининг шахсий кабинети, уяли телефон рақамига ва солиқ органларининг махсус мобил илова-сига СМС-хабарнома шаклида тўлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби киритилмоқда. Ҳозирги пайтда амалда хабарнома солиқ тўловчиларга фақат имзо қўйдирилган ҳолда ёки почта орқали берилар эди.

Олимплар фикри билан айтганда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар давлат бюджетининг асосий даромад қисмини ташкил қилувчи молиявий манбаи, ушдан самарали фойдаланиш, даромадларини ошириш ва харажатларининг мақсадлилигини таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
шарҳловчи**

МЕХРЛИ СИЁСАТ



Давлат тиббий суғуртаси давлат бюджети маблағи ҳисобидан аҳолини кафолатланган, сифатли тиббий хизмат ва дори-дармон билан таъминлаш тизими ҳисобланади. Бу суғурта учун аҳоли пул тўламайди, аксинча, саломатлиги давлат бюджети маблағи ҳисобидан суғурталанади.

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТАСИДАН КИМЛАР, ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ Фойдаланиши мумкин?

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланғичи 1-бета

Ўз-ўзидан савол туғилади: аҳолининг ишиси ёки жуда кам даромадли қатлами ўз соғлигини суғурта қила олмас-чи? Улар қандай даволанади? Дейлик, юқори технологияга асосланган жаррохлик амалиётини ўтказиш зарурати туғилса ёки юрак нуқсон, мураккаб трансплантация амалиётига эҳтиёж пайдо бўлса, кам таъминланган аҳоли қатлами бунга маблағни қаердан топади? Давлат тиббий суғуртасида эса бу саволларга муносиб жавоб бор.

Давлат тиббий суғуртаси нима?

Давлат тиббий суғуртаси давлат бюджети маблағи ҳисобидан аҳолини кафолатланган, сифатли тиббий хизмат ва дори-дармон билан таъминлаш тизими ҳисобланади. Бу суғурта учун аҳоли пул тўламайди, аксинча, саломатлиги давлат бюджети маблағи ҳисобидан суғурталанади.

Афзаллиги нимада, деган ҳақли савол туғилади.

Жараён рақамлаштирилиши натижасида ортиқча қўғозбозликка чек қўйилади. Йўлланма тизими орқали беморларнинг ортиқча оворагарчилиги олди олинади. Кафолатланган пакет доирасида барча тиббий хизматларнинг бепул экани таъминланади. Тиббий хизматлар бозорига давлат тиббиёт муассасалари билан бирга хусусий тиббиёт ташкилотлари ҳам иштирок этади. Сурункали касаллиги бўлган беморларга дорихоналар орқали бепул дори берилади.

Бу билан соҳага ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, касалликларни эрта аниқлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада оширишга эришилади.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, мамлакатимизда ушбу тизим босқичма-босқич амалга киритилмоқда.

Сирдарё тажрибаси

Қарор асосида Ўзбекистонда илк бор Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синвон лойиҳаси амалга оширилди.

Ўтган вақт давомида тиббий хизматлар хариди йўлга қўйилди. Яъни тиббиёт муассасалари билан тузилган шартномага кўра, уларнинг феолияти молиялаштирилди. Кафолат пакети ишлаб чиқилди ва бирламчи тиббий ёрдамнинг бепуллиги белгилаб қўйилди.

Сирдарё вилоятида 11 та туман марказий, яна шунча кўп тармоқли, 36 та оилавий поликлиника, 56 та оилавий, 35 маҳаллий шифокорлик пункти бор. — дейди Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (ДТСЖ) Сирдарё бўлими масъул бошлиғи Олимжон Бекмуродов. — Уларда давлат тиббий суғуртаси талаблари кўра, аҳолига кафолатланган пакет асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилмоқда. Бундан бир неча йил аввалгига нисбатан ҳар бир беморга ажратилган маблағ миқдори 12 баробар ошди. Давлат тиббий суғуртаси тизими нафақат давлат ташкилотлари, балки хусусий тиббиётга ҳам жорий этилмоқда. Яъни аҳоли нафақат давлат шифохонаси, балки ўзи истаган хусусий клиникада кафолатланган бепул тиббий хизматни олиши мумкин. 2023 йилда беморларда ўтказилган юқори технология жаррохлик амалиёти учун сарфланган 751 миллиард сўми ДТСЖ қўллаб берди.

Оилавий шифокор йўлланмаси асосида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби жорий қилиниши кўплаб дардманд дилларга малҳам бўлди. Шифохонага ана шундай йўлланма билан муурожаат қилувчилар сони ошди.

Тиббий суғурта тизими доирасида вилоят аҳолиси оилавий поликлиникага бириктирилди. — дейди жамғарма матбуот хизмати раҳбари Сайёра Шоева. — Амбулатор карталар электрон шаклга ўтказилди. Бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам бу анча қулай. Қўғоз шаклида рўйхатга олишда амбулатория ёзувларини қидириш, шифокор уларни текши-

ришига кўпроқ вақт сарфланган бўлса, электрон шаклда касаллик ташхиси ва даволаш ҳолати тўғрисида барча маълумотлар мавжудлиги учун вақт тежаллади. Шу асосда поликлиникага ёки шифохонага муурожаат қилган шахсга яқна тартибда маслаҳат бериш, зарур ҳолларда эса уни назоратга олиш ва реабилитация жараёнига жалб этиш амалиёти йўлга қўйилди. Мақсад — касалликларни барвақт аниқлаш, тиббий ёрдамнинг бирламчи бўлинида малакали ва сифатли хизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлиги ва ўртача умр кўриш даражасини ошириш. Вилоятдаги тиббиёт муассасаларида 418 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда яшайдиган 40 ва ундан катта ёшдаги 299 мингдан ортиқ киши юқумли бўлмаган касалликлар хавф омиллини аниқлаш учун скрининг текширувга жалб қилинди.

Реимбурсация нимани англатади?

Давлат тиббий суғуртаси тизимида сурункали касалликка чалинган беморларга зарур дори-дармонни мунтазам етказиб беришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, улар электрон рецепт асосида дориларни жамғарма билан шартнома тузган дорихоналардан бепул олиш имконига эга бўлмоқда.

Бу реимбурсация дейилади. Реимбурсация инглизча сўз бўлиб, "ҳаражатларни қоплаш" маъносини англатади. Унга кўра, бемор ўзига яқин дорихонадан дори-дармонни оилавий шифокорнинг электрон рецепти асосида олиши мумкин.

Артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, қандли диабетнинг 2-тури,



тисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келтирилган.

Унга кўра, болаликдан ногиронлар, чин етимлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, ёшга оид пенсияга чиққан, ишламайдиган шахслар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар, эндокрин, сил, онкологик касалликларга

бу мураккаб амалиёт учун катта маблағ зарур эди. Оиланинг моддий аҳоли ҳаминкадар, бунга имкон қайда дейсиз? Шунда оилавий шифокор Болалар миллий тиббиёт марказига бориш учун йўлланма берди. Малакали шифокорлар кўригидан сўнг Абдуллада оғир жаррохлик амалиёти ўтказилди.

— Узимдан ўтганини ўзим биламан. Дардин бердинг-ку, шифосини ҳам бергин, деб Яратганга минг илтижо қилдим, — дея эслайди операция кунини Малика Искинова. — Болам жуда кўп терларди, кўзларининг таги, оғиз атрофи бирпасда кўкариб қопар, баъзан хушидан кетарди. Операция қилдиришга имконим йўқ, фарзандимдан айрилиб қоламани, деб кўрқардим. Шундай яхши шифохонада йўлланма асосида, бепул операция қилдиришга имкон яратгани учун давлатимизга минг раҳмат. Жаррохлик амалиёти, даволаш, дори-дармон, умуман, ҳеч қандай хизмат учун пул тўламайди. Барчасини тиббий суғурта жамғармаси қўллаб берди. Операциядан муваффақиятли ўтди. Болам соғлом ҳаётга, бағримга қайтди. Бу ерда шарт-шароит яхши, барча қулайликлар яратилган, уч маҳал иссиқ овқат берилди. Шифокор ва ҳамширалар малакали, ширин сўзли. Бундай эътибордан миннатдорман.

Давлат тиббий суғуртаси тизими ҳар бир инсон тиббий хизматдан тенг фойдаланиши, соғлом ва бахтли яшаш ҳуқуқини таъминлашни кўзда тутди. Айниқса, бетонлик қаршида чорасиз оилаларга кўмак, эътибор қаратиш, улар қалбига бутунлик, қувончни қайтариш энг катта мақсаддир.

— Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан фаолиятимиз самарали бўлмоқда, — дейди Болалар миллий тиббиёт маркази директори ўринбосари Акбар Раҳматуллаев. — Жорий йилда 36 миллиард сўмлик тиббий хизмат кўрсатилиши режалаштирилган эди. Лекин даволаш ҳажми ортгани ҳисобидан тиббий хизматлар учун қўшимча равишда яна 24 миллиард сўм ажратилди. Юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатишга ихтисослашган марказимизда мураккаб жаррохлик амалиётлари ўтказилмоқда. Бу йил болаларга сўяк кўмигини кўчириб ўтказиш, трансплантация каби янги турдаги амалиётларни бажаришга киришдик. Хусусан, 20 болада сўяк кўмигини кўчириб ўтказиш бўйича Беларусь билан шартнома тузилган ва битта амалиёт 125 минг доллар нархланган эди. Ҳозир бу иш марказимизда йўлга қўйилди ва битта амалиёт 8 минг долларга бажарилмоқда.

Марказда буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти ҳам синовдан ўтди. Шу кунларда жигар трансплантациясини ўзлаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Яна бир янгилик — тутқанок (эпилепсия) касаллигига дучор бўлган болаларда чип ўрнатилиши, яъни ВИС (вагус нерви стимуляцияси) илк бор марказда мустақил амалга оширилди.

Битта чипни беморга ўрнатиш 2000-2500 доллар атрофида бўлиб, касаллик қайталанмайди ва бемор тўлақонли соғлом ҳаётга яшади.

Хаста вужудларга ҳаёт бағишлаб

Наманганлик Малика Искинованинг ўғли Абдулло эндигина тўққиз ойлик бўлди. Туғилган чоғидаёқ болада тугма юрак нуқсон, қоричқаларо тўсиқ борлигини эшитган ота-онанинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди. Кўрсатмаган шифокори қолмади. Операция қилиш зарурлигини билишгач, чорасиз қолишди. Чунки

талаб этилади ва бу ҳам Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қўллаб беришмоқда. Худди шу операция Туркияда 25 минг доллар туради. Энди тасаввур қилинг, 25 минг доллар қаёқда-ю, 50 миллион сўм қаёқда? Яна энг оғир турдаги амалиётлар учун тўловни давлат амалга оширса...

Жорий йилда марказда 123 турдаги янги ташхисдаги касалликка даво чоралари қўлланилди. Ўзбекистонда бу каби касаллик турлари шу кунга қадар рўйхатга киритилмаган эди. Сабаби, янги амалиётлар бўйича мутахассислар, тиббий асбоб-ускуналар етарли эмасди. Энди эса давлат тиббий суғуртаси тизимини бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

"Капалак болалар" ҳақида эшитганмисиз?

Бу ибора терининг кам учрайдиган генетик касаллиги — буллёзли эпидермолиз билан туғилганларга нисбатан ишлатилади. Шу касаллик билан туғилган болаларнинг заиф териси капалакнинг нозик қанотларига ўхшатилади. Ҳозир мамлакатимизда бундай ташхис билан туғилган 360 бола рўйхатга олинган. Улар доимий парваришга, эътиборга муҳтож.

Ихтиоз эса терининг ирсий касаллиги бўлиб, бунда тери қуруқлашиб, пўст ташлайди, балиқ тангачасини эслатувчи қалин мугуз қатламлар ҳосил бўлади. Бу иккала касаллик ҳам анча мураккаб ва нисбатан кам учрайди. Лекин бундай ташхис қўйилган бемор ҳам оиласига етарлича ташвиш туғдиради, ўзи ҳам азоб чекади.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасида тузилган шартномага кўра, ана шундай ирсий касаллик ташхиси қўйилган болаларга тегишли бепул тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Бўлимда беморлар давлат тиббий суғуртаси асосида имтиёзли йўлланма билан даволанади. Икки йил давомида 600 га яқин "балиқ" ва "капалак" болалар даволанди, — дейди ген дерматолог



рини даволаш тиббий бўлими бошлиғи, дерматолог Мадамин Холдорбеков.

Муроджон Абдуғафоров "капалак" касаллиги билан туғилди. У ҳозир 16 ёшда. Терисида капалак тусидаги жараҳат кўзга ташланади. Ҳар олти ойда даволаниш касаллик асоратларини бир оз юмшатади. Аммо шифохона ҳаражатлари оиласини чарчатиб қўйганда.

— Касал касал эмас, касал боққан касал, — дейди Муроджоннинг буви София Ташпўлатова. — Набиранинг оғир хасталик билан туғилгани бир томон бўлса, унинг парвариши ва даволашни бир томон. Сарсон-саргардонлик, етишмовчиликдан толиққан пайтимиз кўп бўлди. Аммо ўтган йилдан бошлаб ташвишларимиз ариган. Шифохона ҳаражатлари давлатимиз томонидан тўлаб берилаётгани бизга анча кўмак бўлди. Яъни шароит яратилган шифохонада бепул муолажа олаётганимиз кўнгилга таскин беради.

Янги тизим нафақат аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва ҳажмини, балки касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш, аҳолининг ўртача умр кўриш давомидаги охириги шифокорнинг беморда бу тиббий хизматлар кўрсатишда соғлом рақобат муҳитини яратди. Давлат тиббий суғуртаси "Қайси шифокорни кўришим, рецептланган дори-дармонларни қаердан топишим

мумкин ва уларнинг нархи қанча", деган саволларга ўрин қолдирмади.

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси худудий вакиллари ижтимоий тармоқларни мунтазам кузатиб боради. Ана шундай кузатишларнинг бирида Сурхондарё вилояти Саросиё туманида яшовчи Мобии Яровага юқори технология жаррохлик амалиётини ўтказиш учун моддий ёрдам кераклигини аниқланди.

Мобии опа туғма I гуруҳ ногирони. У 20 йилдан бундан ревматоидли полиартирит касаллиги билан курашиб келмоқда. Оғриқлар қулайиб, моддий томондан қийналган аёл ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолди.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Сурхондарё вилояти худудий бўлими аҳолини таъминлашга узоқ йиллардан бундан иккала чанок-сон бўғимидagi оғриқлар, бўғимлар ҳаракатлари чекланиши, оёқларини боса олмаслиқдан азиз-яқин чекиб келаётгани аниқланди.

Қисқа вақт ичида Мобии опанинг худжатлари тўлланиб, йўлланма асосида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида даволанди.

Ҳозир унинг ҳолати яхши, ҳаракатлари тикланмоқда, шифокорларнинг доимий назоратига олинган.

Ўзгалардан наҳот излаган аёлни давлатимиз ҳимоясига олди. Даволаниши ва реабилитация жараёни учун талаб этилган барча ҳаражатлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан қўллаб берилди.

Хайрли амалларнинг узвий давоми

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"га амалга оширишга оид Давлат дастурида давлат тиббий суғуртасини жорий этиш ишларини давом эттириш вазифаси юклатилган.

— Худудларда давлат тиббий суғур-

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

“..Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”.



Гулнора ИБРОҲИМОВА, педагогика фанлари доктори, профессор

Қалблари илм-маърифат нуридан мунаввар бўлган кишилар кибрга, ортиқча ҳою-ҳавасга берилмай, камтар ва камсуқум ҳаёт кечирганини афзал билиб келган. Улуғларимизнинг бизга қолдирган маънавий меросида бу борада кўп ҳикमतлар, ривоятлар, ибратли ҳикоятлар бор. Болалигимда бувим раҳматли Аҳмад Яссавий авлодларидан эканимизни, донишманд бобомиз ўз мисраларида инсонийликнинг энг афзал жиҳатларини маржондек териб, ҳикमतлар тарзида бизга мерос қолдириб кетганини кўп таъкидлар эди.

Бувим олий маълумотли бўлмаса-да, уйимиздаги Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлари”дан тортиб, “Шарқ юлдузи” журналида босилган энг янги ҳикояларгача ўқиб, таҳлил қилиб берарди. У киши айтган ҳикоятлар, эртақлару мақоллар, ўша машҳур асарлар ҳақидаги мулоҳазалари ҳали-ҳамон қўлогим остида жаранглайди.

Ўша дамларда бувим Абдулла Ориповнинг мана бу мисраларини бот-бот такрорлар эди:

Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар, сиз буқун Яссавий хок-пойидан айлаб олинча тумморлар...

Ҳа, саховатпешалик, бағрикенглик, ҳар қандай ҳолатда ҳам маънавий коммуналка интилиш, фарзандларни имон-эътиқодли қилиб тарбиялаш, нафс кутқуларидан дилни омон сақлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боис, эл-юртимиз не-не босқин-истилорларга, оғир йўқотишларга қарамай, ўзлигини, дини дёнёнати асраб қолган. Маърифатга, қалб зиёсига интилган кишиларнинг ибратли ҳаёти, илмий ва баъдий мероси мозий саҳифаларини доимо

эритиб туради. Халқимизнинг табиати ва тарихан орттирган тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маънавий тарбия ва маънавий коммуналка миллий ўз-ўзимизни асраб қолишимиз муҳим талабига, эҳтиёжига айланган.

Ушбу кўтлуг ғоя жамиятимиз ҳаётида азалдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг бугун ҳам устуворлиги, оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслигини ўзида тўла акс эттиради. Ота-онага, қариндошларга, хотин-қизларга эҳтиром, меҳнат-севарлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби фазилатлар ҳаётимизнинг олтин занжири эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, бу ғоя қонун устуворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркин фикр эҳтиёжини, турли миллат ва эл-улусларга, уларнинг миллий туйғуларини ва диний эътиқодига ҳурмат каби умуминсоний қадриятларини ҳам ўзида мўжассам этади.

Бугун ҳам талатўплар гирдобиде қолаётган дунёни сақлаб қолишимиз ягона нахот йўли — маънавиятни асрашдир. Фақат шу фазилат билангина омон қолиш мумкин. Ортимиздан келаётган ёш авлод тарбиясига, фарзандларимизнинг биргина саволига эътиборсизлигимиз, талабчанликнинг бир зум сусайиши ҳам жиддий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Бу сабоқ, айниқса, бугун — ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё миқёсида кучаяётган бир пайтда янада муҳим аҳамият касб этади. Бундай тарбия наинки ота-онанинг, устоз-мурабийнинг, жамият тақдирига, тинчлик-тотувликка бефарқ бўлмаган ҳар бир кишининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Маънавият қаерда суқ бўлса, шу ерда иллатлар учриқ бошлайди, ёш,

ҳаётий тажрибаси кам ёшлар турли ғаразли оқимлар таъсирига тушиб қолади.

Ҳозирги кунда жиний хатти-ҳаракатлар миллий-маънавий тафаккур заифлашган, миллий қадриятлар ва аъналарга риоя



қилиш сустлашган, тарихий хотира унутила бошлаган ҳамда она тилининг қўлланилиши камайган ҳудудларда кўпроқ содир бўлаётгани тез-тез эътироф этилмоқда. Асосий қонунимизда инсон шъьни, ғурури, қадр-қиммати, бошқа дахлсиз ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган. Ўқиш, меҳнат қилиш, илм-фан, маданият ва санъат ютуқларидан баҳраманд бўлиш, вояга етган, меҳнатга

лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ота-оналар фарзандларини вояга еттунга қадар тарбиялаши каби талаблар миллий қадрият сифатида конституциявий бурчимизга айланган.

Президентимизнинг турли касб эгалари, нурунийлар, ёшлар, ижодкор зиёлилар билан мулоқотларида, Олий Мажлисга Мурожаатномаларида янги авлод тарбиясининг миллий тараққиёт билан бевосита боғлиқлиги олдимизда турган энг муҳим вазифа экани алоҳида ўқтирилади. Биз бугун тарихнинг янги уйғониш фаслига пойдевор қўяётган эканмиз, бу улғу вазифани маънавият асосларини, замонавий билимларни,



ўзгаришлар олиб кирган, уларнинг олдидаги эл-юртларимиз дарвозалар, эшиклар, йўлларни очган суҳбат бўлган эди.

Шу учрашувдан кейин мамлакатимиз илм-фани, миллий маърифатимиз йўлида катта уйғониш, юксалиш дари бошланди. Хусусан, олий таълим муассасалари фаолиятида ҳам тўб ўзгаришлар рўй берди. Зиёлиларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, илмий тадқиқотлари билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишга киришди.

Бу жараёнда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳам кўл келмоқда. Шу мақсадда Тошкент давлат иқтисодиёт университети бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари 2023 йил 11-21 ноябрь кунлари Швециянинг Лунд университетиде ташиқ этилган қисқа муддатли малака ошириш курсларида қатнашди. Тренинг давомида Швеция олий таълим муассасасининг етакчи мутахассислари билан ҳамкорларини ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши кураш йўналишларида ўзларидеги илғор тажриба билан таништирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 август кунини Ўзбекистон ижодкорлари вакиллари билан учрашуви юртимиз зиёлиларининг, ёзувчиларининг ёдида тарихий хотира бўлиб қолган. Чунки бу тарихий маданий учрашув республикамиз санъаткорлари, ижодкорлари ҳаётига жуда катта

Таъкидлаш ўринлики, ушбу университетлар ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилган бўлиб, ҳамкорлик факультетлариде ва талабалар алмашинуви дастурлари, қўшма таълим ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий тадқиқот фаолияти натижаларини бирга-бирликда нашр этиш, томонлардан бири ташкил этган курслар, семинарлар, тренинглар, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш, ўқув материаллари ва бошқа маълумотлар алмашинуви, шунингдек, қўшма курс материалларини ишлаб чиқиш, туризм соҳасида тажриба алмашиш каби тадбир ва дастурларни ўз ичига олади. Дастурларда миллий қадриятлар ҳамда аъналар билан боғлиқ турли сабоқлар ва давра суҳбатларига алоҳида эътибор қаратилади.

Швециялик дўстаримиз улғу аллопаримиз қолдирган ноб маънавий меросга, қўшма шаҳарларимизга ўзгача қизиқиш билан қараётгани бизни қувонтирди. Улар келгуси йилда муқаддас қадимжолар, зиёратгоҳлар ва қўшма меъморчилик намуналарини билан қўшма биноларни зиёрат қилиш учун мамлакатимизга келиш ниятида. Ҳатто Лунд университети талабаларидан бири ўзбек тилини қизиқиш билан ўргангани, айниқса, ўзбек мумтоз адабиёти унда катта қизиқиш уйғотганини ҳаяжон билан сўзлаб берди. Упсала ва Лунд университетлари кутубхоналарида туркий халқларга оид 858 та тарихий қўлёзма мавжудлиги ҳақида айтиб ўтди. Улар орасида Алишер Навоий, Бобур, Ғузулий, Суғри Оллоев, Машраб каби машҳур ижодкорлардан ташқари ҳали халқимизга номаълум бўлган шоирлар, таржимонларнинг ҳам қўлёзмалари мавжуд экан. Айниқса, Яссавий ҳикоятларидаги юксак мантқиқ мумтоз швед адабиёти билан жуда ўхшашлигини таъкидлади. Биз ҳам швед халқининг миллий қадрият ва аъналарини билан боғлиқ қўллаб-қувватлари Лунд университети ўқитувчилари ва талабалари билан ҳамкорликда ўрганиш ниятидамыз. Зеро, маънавий жиҳатдан бир-бирини англаган, ҳурмат қилган халқлар ҳар соҳада яқдил бўлиши табиий.

Бувим олий маълумотли бўлмаса-да, уйимиздаги Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлари”дан тортиб, “Шарқ юлдузи” журналида босилган энг янги ҳикояларгача ўқиб, таҳлил қилиб берарди. У киши айтган ҳикоятлар, эртақлару мақоллар, ўша машҳур асарлар ҳақидаги мулоҳазалари ҳали-ҳамон қўлогим остида жаранглайди.

НУКТА НАЗАР

РЕКЛАМАНING ЎЗ ТАЛАБЛАРИ БОР

унда давлат тилига оид меъёрлар бузилмаслиги керак



Асадулла ҚАЙУМОВ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси раиси ўринбосари

Шу ўринда айтиш кераки, 2022 йил янги таҳрирда қабул қилинган “Реформа тўғрисида”ги қонунга давлат тилига оид норма киритилди. Қонуннинг 6-моддасига қўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реформа давлат тилида тарқатилади. Реформа мазмунининг таржимаси қуйидаги талабларга риоя этган ҳолда бошқа тилларда такрор берилиши мумкин: — реформа мазмунининг бошқа тилларда таржимаси матни унинг Ўзбекистон

Республикаси давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги керак;

— ташқи реформа орқали жойлаштирилган рекламанинг бошқа тилларда таржимаси матни Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реформа матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилиши ва умумий реформа майдонининг кирқ фозидан ошмаслиги керак;

— рекламанинг бошқа тилларда таржимаси матни ҳарфининг ўлчамини Ўзбекистон Республикаси давлат тилидаги реформа матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши керак; — теле ва радиоканалларда, шунингдек, босма нашрларда тарқатилган рекламанинг бошқа тилларда таржимаси ҳар кунги умумий реформа ҳажмининг йигирма фозидан ошмаслиги керак. Бундан ташқари, “Давлат тили ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасига асосан, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалари ҳамда оғзак ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмол-

Ўзбек тили — миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли. Шу боис, Президентимиз Ўзбек тили байрами кунини муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш масаласи миллий ўзлимизни англаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ келажакимизни таъминлашнинг энг муҳим омили эканини алоҳида таъкидлади.

Шундан 35 фоз ҳолатда рекламалар “Реформа тўғрисида”ги қонунда белгиланган давлат тилига оид талабларга мувофиқ эмаслиги боис, уларни тезкор бартараф этиш чоралари қўрилган. 16 фоз ҳолатда рекламанинг матни бошқа тилларда берилгани кузатилган. Шунингдек, 17 фоз реформа ва эълонлар матнида илмий ва лугавий хатолар мавжудлиги аниқланган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда реформа фаолиятини тартибга солишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, қонунчиликда давлат тилига доир талаблар мавжуд бўлса-да, мазкур талабларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, реформа берувчилар томонидан қонун талабларига тўлиқ риоя этилмаслиги олиб келмоқда. Бунинг натижасида шахримиз кўчаларида бетартиб жойлаштирилган, турли-туман ажнабий тилларда ёзилган реформа ва бошқа ташқи ёзувлар кўпайиб бормоқда.

Мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда, ўтказилган ўрганишларда давлат тилида бошқа тилларда акс эттирилган ва илмий хатоларга йўл қўйилган ҳолатларни бартараф этиш, умуман, давлат тили ва реформа тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши юзасидан 1 600 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларига расмий огоҳлантириш тақдим этилди ва улар би-

лан ўтказилган тушунтириш профилактика ишлари натижасида камчиликлар иختийрий равишда бартараф этилиши таъминланди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ташқи ёзувлар, хусусан, пешлава, реформа ва бошқа эълонлар, ахборот матнининг давлат тили ва реформа тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳлар томонидан бевосита жойига чиққан ҳолда ҳар бир туман бўйича ўрганиш олиб борилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда реформа фаолиятини тартибга солишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, қонунчиликда давлат тилига доир талаблар мавжуд бўлса-да, мазкур талабларни бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, реформа берувчилар томонидан қонун талабларига тўлиқ риоя этилмаслиги олиб келмоқда. Бунинг натижасида шахримиз кўчаларида бетартиб жойлаштирилган, турли-туман ажнабий тилларда ёзилган реформа ва бошқа ташқи ёзувлар кўпайиб бормоқда.

Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг “Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тили бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чалмайди?”, деган сўзлари ёдга тушади. Шунинг учун Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси томонидан

рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатишдаги муносабатларни тартибга солиш, қоридеги каби қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, мамлакатимизда давлат тилининг нуфузи ва маъқеини янада ошириш, реформа беришда давлат тилига доир талабларни бузган фуқаро ва мансабдор шахслар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилди.

Лойиҳада давлат тилига доир талабларни бузган фуқаро ва мансабдор шахслар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган, бунда, ташқи ёзувлар, хусусан, пешлава, реформа ва бошқа эълонлар, ахборот матнларининг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида тақдим этиш шартлиги талаблари белгиланмоқда.

Бунда, албатта, рекламаларни давлат тили билан бирга бошқа тилларда ҳам бериш мумкин, бунга ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Фақат қонуннинг 6-моддасида белгилангандек, реформа мазмунининг бошқа тилларда таржимаси матни унинг давлат тилидаги асосий маъносини бузиб кўрсатмаслиги, давлат тилидаги реформа матнининг пастки қисмида горизонтал ҳолда жойлаштирилиши, бошқа тилларда таржимаси матни ҳарфининг ўлчамини давлат тилидаги реформа матни ҳарфининг ўлчамидан кичик бўлиши каби талабларга риоя қилиниши керак.

Бинобарин, улғу шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, “Она тили — умуммиллат мулки. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий бўлиб, бу ёлғиз тишуносларнинг эмас, бутун миллатнинг иши” эканини доимо ёдда тутмоғимиз лозим.

GAZETA DАGI MATEPIALLAPNI LOTIN EZUVIGA ACOSLANGAN OZBEK ALIFBOSIDA OQISH UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

